

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

Тошкент тиббиёт академияси

педагогика фанлари номзоди, доцент:

Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўгли

402-А гуруҳ талабаси

Аннотация: замонавий тиббиёт ходимлари шахсини шакллантиришнинг хусусиятлари ва йўллари аниқланган ҳамда улар шахсининг этикети, илмий билими, амалий кўникмаларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Тиббиёт илми, масъулият, фаоллик, мустақил фикр, илм-фан, техника, технология, инновация, интеллектуал салоҳият ва юксак дунёқараш.

Замонавий тиббиёт ходимларининг ўз фаолиятини тўғри, одилона ва оқилона бошқара олиши ҳамда қобилияти, лаёқати, иқтидори, тафаккури, диққати, характер хусусиятларини тўғри йўналтира олиши муҳимдир. Бунинг учун уларнинг ўз касбини пухта эгаллаган юксак маънавиятли мутахассис бўлиши талаб этилади. Шунингдек касбий фаолиятда кучли тайёргарлик, билим, тажриба, маҳорат, турли йўналишдаги қобилият ва доимий янгиликка интилувчанлик муҳим аҳамиятга эгадир. Замонавий тиббиёт ходимлари деганда, ишбилармон, ўз касбининг устаси, ахлоқ ва маънавий жиҳатдан етук, ўз касб сирларини ўзига сингдириб оладиган, касбий ва маънавий такомиллашувини ўзида намоён этган мулоқотда маданиятли инсонларни тасаввур этиш мумкин. Энг муҳими мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиши ва фуқаролик бурчини чуқур англаб етиши билан белгиланади. Айниқса, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узокни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим. Ҳақиқатан ҳам тиббиёт ходимлари ўз ваколати доирасидаги ишларни самарали ташкил этиши, амалга оширилаётган ислохотлар ва ҳукумат олиб бораётган сиёсатни, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорларини тўғри тушуна олиши, ҳаётдаги баъзи муаммолар, қийинчиликларни бартараф этиши, нутқ ва мулоқот маданияти, нотиклик санъатини пухта эгаллаши, ҳалол ва пок бўлиб эл юрт йўлида сидқидилдан меҳнат қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тиббиёт ходимлари маънавий баркамол инсон сифатида намоён бўлиши учун пухта билимли, эзгу ниятли, иймон, эътиқод, ҳалол ва пок виждонли, диёнатли, юксак онгли, мустақил фикрлай олиши керак. Уларнинг ахлоқий қарашлари марказида инсонпарварлик ғояси ётади. Бу ғоянинг асосий қондаси инсонни қадрлаш, унинг шахсини хурмат қилиш, фикр ва ҳиссиёти эркинлигини таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, у мардлик ва олийжаноблик фазилатларига эга бўлиши зарур. Маълумки, инсон баркамол бўлиши учун, аввало, у юксак ахлоқли бўлиши муҳимдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тиббиёт ходимларининг психологик етуқлиги, умумий дунёқараши, фикр доирасининг кенглиги, касбий билими, камтарлиги, инсонларнинг қалбига тез йўл топа олиши, муомала ва мулоқот санъатининг устаси бўлиши, иш ва шахсий вақтини тежамкорлик билан тақсимлай билиши, тadbиркор, ишбилармон, шижоатли, фаол, фидоий, ташаббускор, сўз ва иш бирлигига эга, ақлли, ахлоқли, адолатли, миллий ва шахсий ғурурли, маънавий соғлом, одобли бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, одоб қондаларига риоя этиш, қалбни ёмон сўзлардан, ножўя хулқдан сақлаб, ўзини ва ўзгаларни хурмат қилишга, ўз-ўзини тўғри ва тартибли бошқаришга йўналтиради. Замонавий тиббиёт ходимларининг камол топишида ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, касбий тарбия жуда ҳам зарур бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида фаол қатнашиш имкониятини яратади. Донолик, адолат, шижоат, иффат каби фазилатлар уларнинг ижтимоий ҳаётида ҳамда ижодий фаолиятида ўз аксини топади ва айнан меҳнат жараёнида яққол намоён бўлади. Шунингдек, қомусий билим, фикрни маҳорат билан англай олиш, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш муҳим сифатлардандир. Меҳрмурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлар тиббиёт ходимларини қомил инсон сифатида шакллантиради. Уларнинг қомиллиги, аввало, ахлоқий етуқлигида ажодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-ю кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатлари, меҳнатини мақсадга мувофиқ тўғри ташкил этишида кўринади.

Тиббиёт ходимининг этикети ахлоқий фикрлаш маданияти, мулоҳаза юритиш қобилияти, ахлоқий билимлардан фойдалана олиш ва барча ахлоқий меъёрларни қўллай билиш асосида намоён бўлади. **Мулоқот** тиббиёт ходимларининг фаолиятининг энг муҳим профессионал қуролидир. Унинг таъсирида қулай психологик муҳит яратилади. Мулоқотда энг муҳим нарса ҳамфикрлик, дўстона муносабат ўрнатиш масаласидир.

Мулоқот одоб-ахлоқ қондаларига суянган ҳолда амалга оширилади. Касбий мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида тиббиёт ходимларининг коммуникатив маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Мулоқот маданиятида бир-бирини тушуниш, хурмат қилиш, ишониш, англаш жараёни амалга оширилади. Мулоқотда бир-

бирини тушунмаслик, хафа қилиш, кўнгилга оғир ботадиган гаплар айтиш натижасида низола қелиб чиқади. Кундалиқ ҳаётда “Олтин сўзлар”дан кенг фойдаланиш зарур. Бунда уларнинг тарбияланганлик даражаси муҳим ўрин эгаллайди. Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахсда ижобий фазилатлар: хушмуомалалик, камтарлик, инсонпарварлик, тўғри сўзлик, виждонлилик кабилар яхши шаклланган бўлиши, энг муҳими, шахслар бир-бирини тушунишлари учун жуда самимий бўлишлари керак. Самимийлик инсоннинг оқилона муносабати ва турли таъсирларга берилмаслигини таъминлайди. Самимий бўлиши учун инсоннинг кўнгли тоза, оқ кўнгил бўлиши лозим. Самимийлик фазилати айниқса, тиббиёт ходимларининг мулоқотида муҳимдир.

Тиббиёт ходимларининг ишдаги муваффақияти уларнинг дунёқараши, ишбилармонлиги, одоби, энг чиройли хулқи, тартиб - қоидаларга амал қилиши ва ишининг сифатини белгилашда асосий ўрин билан белгиланади.

Улар фаолиятининг сифати ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллашганлик даражаси билан белгиланади. Ишнинг қанчалик тўғри ҳал этилиши унинг сифатига ўз таъсирини кўрсатади ва ўзига хос ижобий натижалар беради. Тиббиёт ходимлари фаолияти ва интеллектуал воситаларининг юқори даражада бўлиши ишнинг сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Ишнинг сифатини белгилашда интеллектуал омил асосий ўринни эгаллайди. Интеллектуал сифат даражаси эса ақлий фаолият кўникмаларининг ривожланганлигини кўрсатади. Бозор муносабатларини яхши ҳис этиш, унинг тарихий ва фалсафий маъносини англаб етиш, замонавий бозорга доир илмий бошқаришни ўзлаштириш ҳамда бозор шароитида янгилик яратувчи, ижодкор, қатъиятли, зийрак, чаққон бўлиш уларга хос хусусиятдир.

Бу борада юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда. Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим”¹.

Тиббиёт ходимларининг шахсий сифатларини бойитишда:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек инсоннинг жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларини ўзида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.

мужассамлаштирувчи долзарб масалалари ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, сиёсий ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш;

- глобаллашув шароитида миллий ўзлиқни англаш, Ватанга муҳаббат, юксак маънавият, миллий ғурур ва миллий ифтихор ва ахлоқий фазилатларни ўзида намоён этиш;

- тиббиёт ходимлари ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, иймон-эътиқодли ва баркамол инсон сифатида соғлом ҳаёт тарзига интилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асосларини пухта эгаллаши;

- табиат ва жамиятдаги жараён ва ҳодисаларни яхлит тасаввур этиш ҳамда улардан замонавий илмий услубда фойдаланиш, шунингдек, экологик маънавиятга эга бўлиш, соғлом ҳаёт тарзини юритиш, илмий тасаввур ва эътиқодга эга бўлиш;

- иқтисодий ислохотларни маънавий асослари, бозор иқтисодининг ўзига хослиги, ижтимоий моҳиятини билиш, иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини шакллантира олиш талаб этилади.

Тиббиёт ходимлари касбий сифатларга эга бўлишида:

➤ янги билимларни ўзлаштириш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборотларни олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, юқори касбий маҳорат даражасига эга бўлиш ва иш фаолиятида муваффақиятга эришиш, инсоний муносабатга кириша олиш, илмий техник тараққиётнинг асосий йўналишларини билиш,

➤ касбий сезгирлик, зийраклик, кузатувчанлик, тасаввур этиш, ташхис ва башорат қилиш, ижодкорлик, мустақил эркин ижодий фикрлаш, ижодий мослашувчанлик, ҳаракатчанлик, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиш;

➤ тиббиёт ходимлари ўзаро мулоқотда чидам ва сабр-тоқатли бўлиши, касбий мақсадларга эришиши, қатъиятлилиги ва иродавий сифатларга эга бўлиши;

➤ касбий фаолиятда ўз-ўзини таҳлил этиш, баҳолаш, касбий камолотга эришиш билан боғлиқ ўз-ўзини бошқара олиш кўникма ва малакаларининг мавжудлиги муҳимдир.

Бундан ташқари тиббиёт ходимларининг хорижий тилларни ўзлаштириши ва унда турли жанрдаги (телекўрсатув, радио эшиттириш, эълонлар, янгиликлар ва ҳ.к.) аудио ва видео матнларни эшитиб, асосий маъносини тушуниб муҳокама қила олиши, ҳар қандай оғзаки нутқни тинглаб тушуниши, хорижий тилда турли ҳужжатли ва бадиий фильмлар, телесуҳбатлар, токшоулар, спектаклларни тушуна олиши, касбий ва шахсий қизиқишига доир маърузалар, презентациялар, нутқларни тушуна олиш, қисқа оддий қайдлар ва ахборотлар, шахсий хусусиятга

эга мураккаб бўлмаган хатлар ёзишни, сўровнома, маълумот дафтарларини тўлдириш, таржимаи ҳол ёзиш, эълон ва мактублар тузиш, грамматик ва лексик хатоларсиз қисқа баён ва иншолар ёзиш, Интернет форумларига хатлар, таниш мавзулар бўйича маъруза аннотациялари, тезислар ёзиши, ўз-ўзини илмий-назарий жиҳатдан касбий ривожлантириши, ўз соҳасига доир эришилган ютуқлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ва изланишлар натижаларидан хабардор бўлиши, ахборот маданиятини эгаллаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса шуки, комилликка интилиб яшаган одам ўз устида тинимсиз ишлайди ва ўзининг маънавий қувватини ошириб боради. Энг муҳими, комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доносидир. Инсоннинг билим бойлиги унинг саъй – ҳаракатига боғлиқдир. Барча ахлоқий сифатларга эга бўлган ва ўз-ўзини англаб етган, танилган инсон - камолотга эришган комил инсондир. Танлаган йўлимизнинг бош мақсади ҳам эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, янги шахсни – комил инсонни шакллантиришдир. Аслида фуқаролик жамияти – комил инсонлар жамиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.*